

Бизда хам хозирги таъбирча инкилоб бўлди. Хар ким шошиб колди. Не киларини билмади. Канча вақтлар ўткандан кейин маориф идоралари курулди. Мактаблар очилмокка бошланди, бу маориф ишлари хаммаси ўруслар кўли билан килинар эди. Чунки биз хали нима иш килишимиз керак эканлигини билмас эдик. Шунинг учун юкоридан бўлган буйруқларни «ла ва наам» демасдан кабул килар эдик.

Ойлик жуда яхши. Ул берилган етти юз сўм бу куннинг эллик миллиўнига баробар эди, шунинг учун таълим ва тарбия курси хат саводсизлар билан тўлди.

Бизда инкилоб бўлгон, ҳуқуқ оламиз, мана муаллим тайёрланиб турубдир, «Канча мактаб очмок керак» мана шу масала кошимизга чикди. Буни хам тезгина хал килдик. 20 мактаб очамиз, 30 мактаб очамиз. «Ха канча кўброк мактаб очсак шунча яхши, эски ҳукумат очишга кўймас эди. Бу кунким мактаб очиш мумкиндир». Хаммамиз шу фикрда эдик. Орамизда окибатини ўйлайтургонлар йўк эди.

Мактаблар очилди, давом этди, халк хам мактабларга боласини юборди. Ёзда, таътил вақтларида турли таълим ва тарбия курслари очилди. Муаллимларнинг давом этишлари керак. Чунки муаллимлар маълумотсиз, бу йил ёзда олгон маълумотларини кишда талабага бера олар.

Кўб яхши назария. Хар йил курс очилди. Хар ёқдан муаллимлар келдилар, хам муаллим бўлмок учун курсларга ёзилдилар. Пул олдилар, юрдилар.

Лекин иш кутганимизча чикмади, муаллимлар тузук бир нарса ўргатмадилар, талаба дуруст истифода этмади. Бир кайдан эса марказ ўзига маъкул кўрулган йўл билан дастуруламал юборадир. Жойларда татбик килиниб-килинмаслигидан хабарсиз, кунда буйруқлар ёгодир, хар кун бошка таълимотлар келади. Мухим бир нуктасини айтиб ўтмогимиз керакким, у хам шу таълимот ёзатургонларнинг руслардан бўлиши, яъни бизнинг ахволимиздан хабарсиз кишиларнинг бизга йўл кўрсатувчи бўлгонидир. Бутун ишларимизнинг натижасиз борганига сабаб шудир. Ва хозир хам шунинг таъсири остидамиз.

Бу орада маориф ишларимизнинг холини кўруб келгусида нима бўлишини ўйлайтургонлар бўлди. Лекин сув бошдан лой бўлгони ва жойларда хам тузук ишчилар бўлмагони у фикрларни хам ўз-ўзидан совутишга сабаб бўлдилар. Менинг ўзим йигирманчи йилда бир макола ёзиб мактаб сонларини камайтириб яхшигина, асосли бир йўлга кўйишни айтгон эдим. Лекин эшитатургон кулок йўк эди. Маориф бошидагилар у сўзларни англаёлмадилар(!) Бу кун эса юкорининг буйрукига мувофик камайтурмоқдалар. Лекин ортик иш ўтган энди. Маорифимизнинг бу иккинчи даври бизда шу ахволда бўлса хам оврўпаликларда яхши эди. Чунки уларга таълимотлар мувофик тузулгон эди, чунки таълимотларни тузгучилар ўзлари эдилар ва ўзлари учун тузган эдилар. Маорифимиз шу ахволда тўрт йил давом этди. Окибат шўро ҳукумати хатти-харакатини ўзгартирди. Янги икгисодий сиёсат эълон этилди.

18, 19, 20, 21 инчи йилларда очилгон турли-турли курслар, тўдалар, мактаблар бу йил богланди.

Бу тўрт-беш йил ичида тайёрланган муаллимларимиз ўз ишларига кетдилар.

Бултур киш бир-икки мактаб очик бўлса хам тузук давом этмади.

Бизнинг муаллимларимизнинг ахволлари маълум. Шунча курслар очилди. Мактаблар хозирланди. Ўткан йилларда талабалар кўб эди ва келар эдилар. Чунки мусулмонларга бу ишлар бирдан-бир кизик ва янги кўрунган эди. Мусулмон ёшлари курсларга тўлдилар,

тўдалар курдилар. Бошқалари эса мактабларга болаларини юбориб турдилар. Шу ўткан йилларда бизнинг муаллимларимиз бирдан-бир кўпайиб кетдилар! Муаллимлар курсларига одам сигмас эди. Шўро ҳукуматинда албатта ҳукумат ходиматинда бўлуш керак. Ва ўз бошича ишлаш бутунлай тайзик килингонидан ҳар ким ҳар нима бўлса бўлсун бекор юрганидан кўра деб муаллимликка ёзилдилар. Бу муаллим бўлатургонлардан бир тўда куратургон кишиларнинг асоси тушунилган, билинган бир максадлари йўқ эди. Шунинг учун улар унга — асосий нарсаларга аҳамият бермас эдилар. Расман бир ишга мансуб бўлдиларми, ҳар бир навъ килиб ўтаверамиз дея, деб муаллим бўлса таълим ва тарбия курсларига яхши давом этмаган эди ва бу хусусда жиддий бир ташвишда бўлмасэди ва юрунг борайлик билан иш кўрардилар. Ёшларимиз, тўдачиларимиз бўлсалар кўброк кўрсатишларга аҳамият бердилар. Хеч бир нарсага илмий аҳамият бермаганлари учун бугун тамоман тарқалдилар. Хатто энди хусусда бўлатургон музокаралар кулоқларига кирмас. Чунки у ишлар ночорлигидан эди. Мана шундай бўлиб бизда бир гуруҳ муаллим йигилмай, тўпланмай ва тузулишча тарбия кўрган, етишган ёшлар ҳам кўрунмадилар.

Мустасно йўллик бир-икки муаллим, бир-икки ёши-миз бўлса ҳам булар оздир, нодирдир. Бу йил бўлса яна эски холга кайтдик! Яъни инкилобдан аввал қандай бўлсак, ўшандан ҳам ёмон бўлиб қолдик. Яъни эски вақтда уч-тўрт мактабимиз бор экан, ҳозирда мактабсиз қолдик. 5-6 муаллимимиз ҳам бир нечаси мамлакатдан чиқиб бошқа ишларга уруниб кетдилар. Демак биз кайтадан таназзул этдик.

Ўтган йилларда мактаблар ҳар турли қўлларга ўтган эди. Икки йил, уч йил боласини мактабга қўйган ҳар ким боласининг хеч бир нарса ўрганмаганини кўриб қайтариб одди. Бу мактаблардан бир фойда йўқ экан, деган бир фикр тугилди.

Бир мактабга талаба ҳар қанча давом этмак истамаса ҳам, кийимлик ёки озуқа бериб туриш йўли билан ҳар холда оз-моз сақланиб тургон эди. Бу кун эса булар битирилганидан мактаблар ёпилди. На у ерда, на шаҳарда мактаблар қолмади. Агар мактаб ишларини асосий бир йўлга қўймоқ учун бор муаллимларимиз ҳозирдан ташвишга киришсалар, балки мактаб ишларимиз бир оз йўлга қўйилур. Йўкса натижа маълумдир.

Ҳар бир мамлакатда ҳукумат мактаблари буюк бир ўрун тутадир. Кўб кишилар бордирким, окчаси бўлмағони учун хусусий мактабларга қира олмайдуру. Хусусан бизнинг мусулмонларимиз ўкумок ва ўкутмок учун пул тўламоқга одат қилмагонларидан ҳукумат мактаблари шуни тўғри йўлга қўйиши лозимдир.

Бу кунги муаллимларимиз вазифалари шудир. Маориф ишчиларимиз шу тўғрида музоқара мажлислари курсалар, шу ҳақда кенгашсалар ва сўнгра бир йўл тайин этиб ишга киришсалар кўб яхши бўлуру эди.

Маориф ишларимизнинг холини яхшилатмок учун кўбга қуч сарф этиш керак бўладур. Бизнинг ишчиларимиз шунга аҳамият берсалар ва ҳукуматнинг мактабларини фойдалиқ йўлга солишга гайрат этсалар ҳам халқга, ҳам ўзларига яхши бўладир. Маориф ишчиларининг шу нуқтага жалб этаман.

Биз озод ёшлар ҳаётидан гапирмайлик, ёшлар ҳар бир миллат келажаги учун ҳаёт эгалари (сохиблари)дирлар, яъни ҳар миллат бу кунги ёшлари эртасидирлар. Каттадан кичиккача маълум бўладирки, замон ҳамма вақт ўзгариб турар экан, бу кун керак билинган кўб нарсалар, кўб ишлар эртага бекор, бу кун керакли хеч ҳам этилмаган (сезилмаган) кўб ишлар ва кўб нарсалар эртага зарур бўлуру экан. Шу ҳақиқатни инкилоб бизга жуда очик кўрсатди.

Биз кундан-кун, соат-басоат Оврупо билан якинлашмоқдамиз. Оврупонинг кўланкаси (сояси) бошимизга кундан кун кўбрак тушмакда ва Оврупонинг конли канотй бошимизга кўбрак кокилмоқдадир.

Модомики, биз Оврупо билан кундан кун якинлашмоқда эканмиз, Оврупонинг жараёнларидан хабардор бўлишимиз керак ва унинг ахволи билан таниш бўлмоғлигимиз лозим.

Ўткан маколаларимда айтганимдек, инкилобнинг бошларида биз нима киларимизни билмай шошиб колган эдик. Лекин секин-секин ишга киришиб кетдик. Лекин хозирда бўлса ҳам ҳеч бир турли замонга мувофик жиддий ҳаёт кўра олмаймиз.

Бизда вақти-ла канча курслар очилди. Канча тўдалар курулди. Бу кун кўрайлик кани шу тўдачалар ва курсларда ўкумокчи бўлуб юрган йигитларимю нима иш килмоқдадирлар, хаммалари ҳар томонга таралиб кетганлар. Ёш муаллимларимиз ҳам шундай муаллимликнинг кандай муқаддас бир сифат эканини англаёлмаганидан бир неча ойлик курс тахсили билан неча кунлик мактабдор-ликнинг юзидан ўтдилар.

В. Махмуднинг «Маорифимиз» номли ушбу маколаси матнининг айрим ўринларини топишнинг имкони бўлмади. Макола ахамиятини инобатга олиб, ушбу мажмуага киритиш лозим кўрилди. «Камбагаллар товуши» газетаси, 1922 йил 29 июн, 4 июл.